

ПРЕВЕНТИВ ЧОРАЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ - КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА “ЯНГИ ИМПУЛЬС”

Шухрат Мирзаев

Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги

Қонунчилик ва хуқуқий сиёsat институти бош илмий ходими

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада коррупцияга қарши курашда “янги импульс” методларининг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмунни ва моҳиятини ўрганиши, яъни конституциявий саводхонлик шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришида муҳим омил эканлиги сабабли ушибу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиши йўлларини тизимли ўрганишини талаб этади.

Калим сўзлар: “янги импульс”, коррупция, бузии, қора коррупция, кулранг коррупция.

ABSTRACT

This article analyzes the legal foundations of the “new impulse” methods in the fight against corruption. Studying the place and significance, meaning, content and essence of the Constitution of the Republic of Uzbekistan in society, that is, constitutional literacy is an important factor in the formation of a person's legal consciousness, requires a systematic study of existing problems in this area and ways to solve them.

Keywords: “new impulse”, corruption, corruption, black corruption, gray corruption.

КИРИШ

Коррупцияга қарши кураш самарадорлиги ҳақида сўз юритилганда, авваломбор курашнинг мақсадини аниқлаб олиш муҳимdir. Қарши кураш реал ҳолатга асосланганда гина ўзининг самарадорлигини кўрсатади. Фикримизча, жамиятда энг кўп ва қизғин муҳокама қилинадиган коррупцияга қарши курашиш масаласи илк маротаба бу форматда **Давлат Раҳбари иштирокида** кўриб чиқилиши қучли сиёсий иродани намоён қиласди.

Шу йил 5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш йиғилишида сўзлаган нутқи орқали коррупцияга қарши курашишда **ташаббускор ва ислохотчи**, давлатчиликни

мустаҳкамлаш борасида узоқни кўриб билувчи давлат арбоби эканлигини яна бир бор кўрсатди¹.

Мазкур нутқ коррупцияга қарши курашиш бўйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларга янги “импульс” бериши ва жадаллаштириши кутилмокда.

Коррупцияга қарши курашдаги асосий вазифа – бу коррупцияни сиёсий тизимга ёйилишини, издан чиқаришини олдини олишdir. Ўзбекистонда коррупция даражасини ва унинг ижтимоий хавфлилигини пасайтириш, шунингдек унинг детерминантларини бартараф этиш ва йўқ қилишга қаратилган мураккаб тизим фаолият юритаётганига қарамасдан, ушбу фаолият коррупцияни жамиятнинг кўмагисиз йўқ қилиш имконига эга эмас.

Шу боис, Давлат раҳбари коррупцияга қарши курашища **парламент, кенгашлар, фуқаролик жамияти институтлари, Миллий ва худудий кенгашлар** ролини ошириш ҳакида фикрни ўртага ташлади, фуқароларнинг иштироки кенгаймаса, майший даражада коррупция сақланиб қолаверса, уни давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ижтимоий мақбул даражага тушириш имконсиз ишга айланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Коррупция, унинг содир этилиш сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда ушбу турдаги жиноятларни профилактика қилиш муаммоларини илмий тадқиқ қилган бир қатор олимлар коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини турлича таснифлашган. Хусусан, аксарият олимлар коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг профилактикасини икки гурухга ажратишни таклиф этади, яъни умумий ва маҳсус профилактика².

Коррупцияни олдин олиш бўйича замонавий ҳукуқни қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўпгина ҳолатларда коррупция

¹ <https://www.president.uz/uz/lists/view/7924>

² Бекшанов Д.С., Осипова И.Н. Профилактика коррупционных правонарушений в сфере контрольно-надзорной деятельности» / Сборник научных трудов: Региональная власть, местное самоуправление и гражданское общество: механизмы взаимодействия. Саратов, 2017.; Brooks, G. (2016) Criminology of Corruption: Theoretical Approaches. Basingstoke: Palgrave Macmillan // <https://www.uwl.ac.uk/staff/graham-brooks>; И.И.Карпец. Организованная преступность как социальная и юридическая проблема, ее тенденции и причины. Организованная преступность -2 // Под ред. А.И. Долговой, С.В.Дьякова. – М., 1993. – С.-15; Кузнецова Н.Ф. Коррупция в системе уголовных преступлений – Вестник МГУ. – Сер. 11. -1993. № 1. С.21.4. Комиссаров В.С. “Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией”, Вестник МГУ. Сер. 11. - 1993. - № 1. С. 26. URL: <http://cj.bgu.ru/reader/article.aspx?id=21340>; Симон, А. Л. (2010). Правовые основы международного сотрудничества в сфере противодействия коррупции. Вестник Волгоградской академии МВД России, (3 (14)), 92-100; А.Р.Зуфаров, Б.Ж.Ахрапов. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография Т., 2011.-Б. 20

билин боғлиқ фаолият асосан уни содир этувчи хуқуқбузар ва унинг тўғридан-тўғри жабрланувчиси ўртасидаги муносабатлар доирасида юзага келади. Бироқ масаланинг муаммоли томони шундаки, ҳар икки субъект мазкур ҳолат бўйича муайян сабабларга қўра хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермайди. Коррупцион муносабатларда пора оловчи ва пора берувчининг иккиласи ҳам ютади, бироқ давлат зарар кўради. Коррупция ҳаракатидан ҳар икки субъектнинг манфаатдорлиги унинг латент бўлиб қолишига замин яратади.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан коррупцияга оид жиноятлар таснифи аниқ белгиланганидан сўнг статистикада 2021 йилда жиноят содир этган шахслар сони кескин ошиш кузатилган. 2023 йилда республика бўйича судлар томонидан жами 6 535 нафар шахс коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилган³.

Оддий қилиб айтганда, коррупция жиноятларининг латентлиги жабрланувчиларнинг коррупцион ҳулқ-атворини шакллантирувчи омилларга боғлиқ.

Коррупцияга қарши курашда **превентив маданиятни** шакллантириш масаласи очиқ қолмоқда. Яъни маънавий жиҳатдан коррупцияни кундалик ҳаётдаги масалаларни ечими сифатида тан олмайдиган инсонни тарбиялаш – бу коррупцияга қарши курашда энг таъсирчан усуллардан биридир. Шу боис мактабларда, олий таълим ва ундан кейин, айниқса, коррупцияга қарши курашиш тизими учун кадрлар захирасини шакллантиришда **превентив маданият** тарғиб қилиш чораларини кенг йўлга қўйиш айни муддао.

Зеро, тамагирлик маънавиятсизликнинг яққол кўриниши эканини ўсиб келаётган ёш авлод қалбига чуқур сингдириш лозим.

Коррупция хуқуқбузарликларини содир этилишида жабрланувчи шахслар билан боғлиқ бўлган криминоген омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган самарали тизимни яратиш ҳамда бу борадаги хуқуқбузарликларнинг **превентив профилактикасини** ташкил этишда хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторида муҳим субъект сифатида **парламентнинг роли янги босқичга** чиқиш талаб этилмоқда, у **янги тизимга бош-қош бўлиши**, бу борада масъулиятни ўз зиммасига олиши, барча давлат органларининг фаолиятини юқори даражада ташкил этишни назорат қилувчи механизmlарини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

³ <https://qalampir.uz/news/2023-yil-uchun-korruptsiyaga-oid-zhinoyatlar-statistikasi-ochik-landi-111377?ysclid=m92n9sz8iq620490059>

Қолаверса, превентив чораларни кучайтириш учун айнан **майший коррупцияга** қарши курашиш бўйича вазирлик, идоралар раҳбарлари **масъулияти оширилади**.

Хусусан, эндиликда давлат хизматлари бўйича давлат идоралари ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни баҳолайдиган тизим қилинади, энг ёмон кўрсаткичга эга соҳа раҳбарлари бўйича чора кўрилади.

Коррупцияга қарши курашишга **жамият, жамоатчилик тўлиқ сафарбар этилиши** кераклиги ҳақида Давлат раҳбарининг алоҳида ургу бериши – бу ўзига хос “**мафкуравий сигнал**” бўлди. Бу, шубҳасиз, аҳолининг давлат органларига ишончини орттиради.

Президентнинг мазкур чиқиши ўз самарасини бериши учун, амалиётда ҳанузгача сақланиб қолаётган айрим муаммоларни ҳал этиш зарур. Хусусан:

- ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилаётган фаолият ҳозирги кунда превентив чораларни қўллашга йўналтирилмаган, аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликни олдини олишни эмас, содир этилган ҳуқуқбузарлик учун жазолашни қўзда тутади;

- амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тегишли органлар ходимлари ҳамма вақт ҳам жабрланувчи шахсини ўрганишга эътибор қаратишмайди. Улар томонидан кўпинча, коррупцион ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан профилактик ишлар амалга оширилади. Ваҳоланки, кўпгина холатларда ҳуқуқбузарлик содир этилишида жабрланувчи билан ҳуқуқбузар ўртасида қандайдир боғлиқлик сабаб бўлади. Яъни, доим ҳам тамагирлик коррупцияни келтириб чиқармайди, коррупция таклифи билан чиқсан шахслар билан ҳам превентив ишларни амалга ошириш методикаларини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд.

- коррупция ҳуқуқбузарликлари профилактикаси жиноятчиликка қарши курашнинг энг асосий йўналиши деб эътироф этилаётган бўлсада, унинг амалга оширилишига келганда якка тартибдаги профилактика жараёни деярли ўтказилмайди (мисоол учун, ортиқча ҳашамат ва дабдаба қарши превентив чоралар юзасидан суҳбатлар ўтказилмайди).

Хуллас, коррупция жиноятларининг келиб чиқиш сабаб ва шароитларини ўрганишда жабрланувчилар билан боғлиқ бўлган ҳамда жиноят содир этилишига туртки берувчи виктим омиллар таҳлил қилинмаяпти. Ваҳоланки кўп ҳолларда айнан жабрланувчиларнинг хулқ-атвори жиноятнинг содир этилишига кўмаклашувчи омил сифатида баҳоланади.

Мазкур муаммолар биринчи тегишли давлат органлари ходимларининг **превентив** чора-тадбирларнинг мазмун ва моҳиятини тушунмасликлари ҳамда

уларни амалга ошириш бўйича етарли билим ва амалий кўнижмаларга эга эмасликлари, қолаверса, амалиётда ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги билан боғлиқдир.

Шу боис, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан превентив чора-тадбирларни кучайтириш учун виктимоген омиллари аниқлаш бўйича қўйидаги йўналишларда ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш ва хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- коррупцион хукуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ишларини баҳолашда идораларнинг расмий сайтида фуқаролар ўртасида онлайн сўровларни ташкил этиш;

- аҳоли орасида коррупция тамагирликларидан жабрланиш сабалари ва шароитларни ўрганиш мақсадида доимий равишда сўров ўтказиш, шу жумладан, энг оммавий платформалар, веб-сайтлардан фойдаланиш;

- аҳоли ўртасида коррупция жиноятлари билан курашидаги ютуқлар, тамагирлик ва пора бериш салбий оқибатларини кенг ёйиш, оммавий эълон қилиш учун маҳаллаларга етказиш фаолиятини йўлга қўйиш;

- маҳаллалар, давлат органлари жамоат ташкилотларида фуқароларни коррупция хукуқбузарликлардан жабрланиш ҳолатлари бўйича мурожаатлар таҳлилини мунтазам мухокама қилиш ва умумлаштириб бориш.

Коррупциявий жиноятлар учун жавобгарликка оид хорижий давлатлар қонунчилиги нормаларининг қиёсий-хукуқий таҳлили қўйидаги хуносалар қилиш имконини берди:

Жиноят кодексининг порахўрлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари диспозициясига тегишлича ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш орқали номоддий қимматликлар ва номулкий манфаатдорликни мазкур жиноятларнинг предмети сифатида белгилаш зарур.

Халқаро стандартлар ва хориж тажрибасига асосланган ҳолда пора таклиф қилиш, пора беришни ваъда қилиш, пора сўраш ва пора ҳақидаги таклифни қабул қилиш каби ҳаракатларни алоҳида жиноят сифатида эътироф этиш лозим⁴.

Қолаверса, Жиноят кодексини **ноқонуний бойлик орттириш** жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи янги модда билан тўлдириш, ва унда, масалан, давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг даромад ва мол-мулк

⁴ Абдухошимов, И. Порахўрликка қарши курашни такомиллаштириш долзарб масала. Наука и инновации в системе образования, 4(3), 17–20. <https://inlibrary.uz/index.php/sies/article/view/72224>

декларациясида назарда тутилган пул маблағи ёки мулкига нисбатан күп миқдордан ортиқ бўлган бойлик орттириши, бунда мазкур мансабдор шахс ушбу мол-мулкнинг қонуний манбалари ҳақида ишонарли далилларни тақдим эта олмагани учун жавобгарликни белгилаш зарур.

Хулоса ўрнида, Янги Ўзбекистон Стратегияси мақсадларидан келиб чиқиб, Давлат раҳбарининг чиқишида алоҳида қайд этилган превентив чораларни кучайтириш – мамлакатимизда коррупцияга қарши курашишда энг устувор йўналишга айланиши ва мос равишда мазкур фаолиятга “янги импульс”га айланиши лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. <https://www.president.uz/uz/lists/view/7924>
2. Бекшанов Д.С., Осипова И.Н. Профилактика коррупционных правонарушений в сфере контрольно-надзорной деятельности» / Сборник научных трудов: Региональная власть, местное самоуправление и гражданское общество: механизмы взаимодействия. Саратов, 2017.;
3. Brooks, G. (2016) Criminology of Corruption: Theoretical Approaches. Basingstoke: Palgrave Macmillan // <https://www.uwl.ac.uk/staff/graham-brooks>;
4. И.И.Карпец. Организованная преступность как социальная и юридическая проблема, ее тенденции и причины. Организованная преступность -2 // Под ред. А.И. Долговой, С.В.Дьякива. – М., 1993. – С.-15;
5. Кузнецова Н.Ф. Коррупция в системе уголовных преступлений – Вестник МГУ. – Сер. 11. -1993. № 1. С.21.4.
6. Комиссаров В.С. “Уголовно-правовые аспекты борьбы с коррупцией”, Вестник МГУ. Сер. 11. - 1993. - № 1. С. 26. URL: <http://cj.bgu.ru/reader/article.aspx?id=21340>;
7. Симон, А. Л. (2010). Правовые основы международного сотрудничества в сфере противодействия коррупции. Вестник Волгоградской академии МВД России, (3 (14)), 92-100;
8. А.Р.Зуфаров, Б.Ж.Ахаров. Коррупция. Конун. Жавобгарлик. Монография Т., 2011.- Б. 20
9. <https://qalampir.uz/news/2023-yil-uchun-korruptsiyaga-oid-zhinoyatlar-statistikasi-ochik-landi-111377?ysclid=m92n9sz8iq620490059>
10. Абдухошимов И. Порахўрликка қарши курашни такомиллаштириш долзарб масала. Наука и инновации в системе образования, 4(3), 17–20. <https://inlibrary.uz/index.php/sies/article/view/72224>.